# ТИНЧЛИК ВА БИРДАМЛИК БАЙРОҒИ ОСТИДА

### Сўз—партия ветеранига

## Саодатли айём

Шонли Биринчи Май доимо ёдимизга ўтмишдаги қийин ва машаққатли йилларни, бахтли ҳаёт учун оташин курашчиларни, Совет ҳокимиятини барпо этиш ва мустаҳкамлаш учун олиб борилган катта ишларни ёдимизга солади. Мен ўзим кўпгина Биринчи Май байрамларининг шоҳиди бўлганман. У ҳамиша ўзбек хотин-қизларининг чинакам байрамига айланиб кетарди. Ҳа, илгарилари қора ўтмишда бундай байрамлар қаёқда эди дейсиз. «Ичкари»дан ташқарига чиқарилмаган, бутун умри қоронғу зулматда ўтган ўзбек хотин-қизларининг қисмати нақадар оғир бўлганлигини биз яхши биламиз.

Эндиликда шонли Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимизнинг чексиз ғамхўрлиги туфайли бахтли замонда хотин-қизлар эркаклар билан баб-баравар меҳнат қилиш, дам олиш, билим эгаллаш, масъул ишларда фидойилик кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Хуллас, хотин-қизларимиз хурофот, бидъат, чўрилик, тенгсизлик, ҳуқуқсизлик, мутъеликдан абадий қутулиб, шундай бахтли кунларга партия ва ҳукуматнинг ғамхўрлиги туфайли эришдилар.

Партиямиз XXVII съездида биз, ветеранларга яна бир бор катта ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилди. Съезд белгилаб берган улкан бунёдкорлик ишларида биз ветеранлар фаол иштирок этишимиз, ёшларга ўз кўрган-билганларимиз ҳақида сўзлаб беришимиз, уларни оталар ва оналаримизнинг шонли революцион ишлари руҳида тарбиялашимиз керак.

Шу кунларда айниқса В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида, кўпгина меҳнат коллективларида, олий ўқув юртларида, ўрта мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида ветеранларнинг ишлаб чиқариш коллективлари, ёшлар билан қизғин учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Уларда ветеранларимиз партия XXVII съезди қарорларининг моҳияти ва аҳамиятини кенг тушунтиришяпти, бутун мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа бўлган бундай анжуманлардан кейин ўтган беш йилликларда қандай ишлар амалга оширилгани, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг катта ташаббускорлиги ва ватанпарварлиги ҳақида ёрқин мисоллар келтириб ҳикоя қилиб беришяпти.

Энг муҳими эса биз, ветеранлар тинчлик ва бахт байрами бўлган 1 Майнинг мисдсиз аҳамияти ва айниқса ҳозирги даврда унинг ядро уруши хавфига қарши олиб борилаётган улкан ишлардаги роли ҳақида, унинг бутун жаҳон меҳнатчиларини бирдамликка чорлаётгани ҳақида сўзлаб бермоқдамиз...

Ч. ИБРОҲИМОВА,
1930 йилдан КПСС аъзоси.

### Ҳамшаҳарларимиз хизматида

## Бир оила фарзандларидек

Коллективимизда 1300 га яқин ишчи ва хизматчи меҳнат қилади. Улар орасида ўндан ортиқ миллат вакиллари бор. Бу азаматларнинг бир-бирлари билан иноқ, худди бир оила фарзандларидек меҳнат қилишлари туфайли белгиланган планлар муваффақиятли адо этилмоқда.

Шу йилнинг 1 квартали плани 85 минг сўм ортиғи билан адо этилди. Бунда ўзбек Қ. Одилов, рус Б. Прокушенко, татар А. Бойбулатов, озарбайжон С. Гесонов каби илғор ҳамкасбларимнинг хизматлари жуда каттадир.

Унумли меҳнатдан сўнг кўнгилли ҳордиқ чиқаришимиз учун корхонамизда дам олиш майдонлари, хор, духовой оркестри, ўзбек халқ ашула ансамбли ташкил этилган. «Интернационал» халқ хорида 40 киши иштирок этиб, унга И. Пономарев бошчилик қилади. Хорнинг репертуаридан ўзбекча, русча, украинча, тожикча қўшиқлар ўрин олган. Ана шу ансамбллар билан биргаликда шаҳримиз атрофидаги сўлим жойларга сайрлар уюштирмоқдамиз.

### БУГУН

1 Май куни байрам намойишидан сўнг комбинатимизнинг 40 га яқин ишчи ва хизматчиси билан «Кумушкон» дам олиш зонасига чиқиш планлаштирилган.

Бундан ташқари кўплаб меҳнат илғорларимиз хорижий мамлакатларда туристик сафарда бўлишди. Ҳадемай илғор шоферларимиздан С. Ғонипов, А. Ахматхоновлар Болгария Халқ Республикасида, Х. Зарипов эса Германия Демократик Республикасида туристик сафарда бўлишади.

Яқинда корхонамизда 100 ўринли ошхона, 100 ўринли чойхона фойдаланишга топширилди. Бу ерда европача ва миллий таомлар билан биргаликда ҳар хил парҳез таомлари ҳам сотилади. Спорт мусобақаларини ўтказиб туриш учун янги спорт майдони қурилмоқда. Ана шундай кўнгилли дам олишимиз меҳнатда зарбдорчасига ишлашимизга замин яратмоқда. Менинг ўзим йигирма тўққиз йилдан бери ана шу комбинатда оддий ҳайдовчи бўлиб ишлаб келаман. Планларни ҳамиша ортиғи билан адо этиб, кўплаб шогирдлар етиштирдим. Йўловчиларга кўрсатаётган хизматим уларга манзур бўлаётганлигини кўриб хурсанд бўламан.

Халқаро тинчлик йилида нишонланаётган бу баҳор байрамимиз эл хизматида бўлаётган ҳамкасбларимнинг йўлларини гулга буркасин, уларни светофорнинг кўк чироқлари ҳамиша кутиб турсин.

Ҳ. УМАРОВ,
«Главташпассавтотранс» бошқармасига қарашли 1-автокомбинат ҳайдовчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.



Зуфар Сулаймоновнинг сантехника ускуналари заводида меҳнат қилаётганига 15 йил бўлди. У бу даврда юксак интизоми, касбига ҳалол муносабати, ишчанлиги туфайли корхона коллективи ўртасида ҳурмат-эътибор қозонди. У шу ерда ишлаб КПСС аъзоси бўлди, слесарлар бригадасига бошлиқ этиб тайинланди. Пешқадам ишчи бош бўлган бригада коллективи 1 Май байрамини тўрт ойлик планни барча кўрсаткичлар бўйича ошириб бажариш билан кутиб олди.

СУРАТДА: Зуфар Сулаймонов.

●

Наталья Гусеванинг шаҳримиздаги «Эталон» заводида ишлаётганига кўп вақт бўлгани йўқ. У ўзининг ҳаракатчанлиги, синчковлиги туфайли қисқа вақтда йиғувчилик касбини пухта эгаллаб олди. Наталья йиғаётган приборларни назоратчилар аъло сифатда қабул қилишади. Комсомол аъзоси бўлган ишчи меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни —1 Май шарафига ўтказилган мусобақада пешқадамлар сафида бўлди.

СУРАТДА: Наталья Гусева.



# ИЛЬИЧ ЁҚҚАН ЧИРОҚ

### В. И. Ленинниng ГОЭЛРО плани асосида қурилган Бўзсув ГЭСининг 60 йиллигига

Ҳар бир даврнинг ўзига яраша катта, буюк воқеалари бўлади. Бу воқеалар мамлакатлар ва халқлар тарихига бир умрга муҳрланиб, ўчмас из қолдиради. 1926 йилнинг 1 Май байрами куни Тошкент шаҳри яқинида Бўзсув ГЭСининг биринчи навбати ишга туширилиши бутун республикамиз ҳаётида катта воқеага айланганди.

Ҳозир бу ГЭСга борсангиз, биносига кираверишда мармар тахтага «Ўзбекистон энергетикасининг тўнғичи Бўзсув гидроэлектростанцияси ГОЭЛРО планига асосан қурилган ва 1926 йил 1 Май куни ишга туширилган», деган сўзлар ёзилган. Бу сўзлар киши ёдига йигирманчи йиллар воқеаларини солади.

Ўшанда Тошкент шаҳар хўжалигида танг аҳвол юзага келганди. Тошкентда ёқилғи билан ишлайдиган биттагина кичик электростанция бор эди. У ҳозирги Дизельная бекатида жойлашганди. Бироқ бу станциянинг тўртта машинасидан биттаси ишдан чиққан, қолганлари ҳам ремонтталаб эди. Шаҳар хўжалигига, айниқса саноат корхоналарига электр қуввати сув ва ҳаводек зарур эди. Шундай шароитда гидроэлектростанция қуриш ғояси пайдо бўлди. Бу ишни амалга оширишда «Таштрам» раҳбарлари ва инженерлари ташаббускор бўлишди.

Кўп ўтмай Тошкент яқинида гидростанция қуриш масаласи Туркистон Марказий Халқ Хўжалиги Кенгаши президиумига қўйилди ва масала ижобий ҳал этилди. Инженер-электрик А. М. Естифеев ГЭС лойиҳасини тайёрлади.

1923 йил 26 июнда Москвада В. И. Лениннинг сафдоши, йирик энергетик олим, СССР Госпланининг раиси Г. М. Кржижановский кўрсатмаси билан Бўзсув ГЭСи қурилиши лойиҳасини қараб чиқиш мақсадида махсус комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда А. М. Естифеев тайёрлаган лойиҳа тасдиқланди, сўнг ГЭС қурилишини машина ва ускуналар, маблағ билан таъминлаш бўйича тадбирлар белгиланди.

Шундан кейин қурилиш ишлари бошланиб, 1926 йилнинг 1 Май байрами арафасида ниҳоясига етди. 1 Май куни ГЭС катта тантана билан ишга туширилди. Бу маросимда Ўзбекистон ССРнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев, республика Халқ Комиссарлар Совети раиси Файзулла Хўжаев ва бошқа ўртоқлар иштирок этдилар.

— Бугун биз иккита улуғ байрамни: 1 Майни ва Бўзсув ГЭСининг ишга туширилишини байрам қилаяпмиз, — деганди ГЭСнинг ишга туширилишига бағишланган митингда сўзлаган Йўлдош Охунбобоев. — Биринчи байрам — жаҳон меҳнаткашларининг бирдамлик байрами, иккинчи байрам эса ўзбек халқи тарихида янги даврнинг бошланиши байрамидир. Бизнинг иккинчи байрамимиз чет эллик ишчилар учун яхши намунадир, бу уларга фақат капитални ағдаргандан кейингина меҳнаткашлар манфаати йўлида катта қурилишлар қилиш мумкинлигини кўрсатади. Биз ўз намунамиз билан чет эллик ишчи қардошларимизга: «Бўш келманг, курашинг ва Ғалаба қилинг!» деб айта оламиз.

Ҳа, ўша пайтда бу ГЭСнинг очилиши чинакам улкан воқеага айланиб кетганди. У республикамиз халқ хўжалигини арзон электр қуввати билан таъминлайдиган биринчи энергетика корхонаси эди.

Шундан бери кўп сувлар оқиб ўтди. Ўтган 60 йил мобайнида республикамиз халқ хўжалиги ҳар томонлама юксалди. У индустрлашган ўлкага айланди. Бир вақтнинг ўзида республиканинг энергетика саноати ҳам гуркираб ўсди. Ўзбекистон юксак даражада электрлашган, чароғон диёр бўлиб қолди.

Ўтган 60 йил мобайнида республиканинг энергетика саноати қай даражада юксалганлигини қуйидаги рақамлардан билса бўлади: 1926 йилда ишга туширилган Бўзсув ГЭСининг биринчи навбати 2 минг киловатт эди. Ўн биринчи беш йилликда республикамизда барча энергетика иншоотларининг қуввати 9 миллион 360 минг киловаттга етди. 04—500 киловольтли электр узатиш линияларининг узунлиги эса 196 минг 400 километрга етди. 35—500 киловольтли подстанциялар миқдори эса 1180 тага етди. Фақат ўтган беш йилликнинг ўзида Сирдарё ГРЭСининг ўнинчи энергоблоки, Навоий ГРЭСининг иккинчи энергоблоки, Ғазалкент ГЭСининг икки агрегати ишга туширилди.

Улуғ Ватан урушидан кейинги даврда Ўзбекистоннинг энергетика системаси қўшни иттифоқдош республикалар билан бирлаштирилиб, Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистоннинг ягона энергосистемаси вужудга келтирилди ва натижада истеъмолчиларни электр энергия билан узлуксиз таъминлаш имкони туғилди. Бу улкан энергосистеманинг нормал ва тежамли ишлашини электрон ҳисоблаш машиналари бошқаради. Шу мақсадда республикамизда Иттифоқда биринчи бўлиб АСУ (Автоматлаштирилган Бошқарув Системаси) бунёд этилди.

КПСС XXVII съезди қарорларида бутун мамлакатимизда, шу жумладан бизнинг республикамизда энергетика саноатини юксалтиришнинг янги истиқболлари белгилаб берилди. Шунга биноан бу борада республикамизда катта ишлар амалга оширилади. Жумладан, Ангрен ГРЭСи, Толимаржон ГРЭСи, Муборак ТЭЦининг навбатдаги блоклари ишга туширилади. Тошкент ГРЭСи 2000 йилгача бўлган даврда Тошкентга электр қувватидан ташқари иссиқ сув ҳам берадиган бўлади.

Республикамизда энергетика саноати қай даражада юксалмасин, биз қай даражада улкан энергетика корхоналарини барпо этмайлик, янги тузумнинг тонготарида бунёд этилган Бўзсув ГЭСи биз учун энг қимматли, мўътабар корхона бўлиб қолаверади. Бу энергетика иншооти биз учун аввало доҳий В. И. Лениннинг гениал ГОЭЛРО плани асосида қурилганлиги билан, доҳийнинг машҳур «Коммунизм — Совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштиришдир», деган сўзларини амалга ошириш йўлидаги дастлабки қадам бўлганлиги билан қимматлидир.

Ҳозир шу ГЭС территориясида республикамиз энергетикасининг музейи ташкил этилган. Музей экспонатлари Ўзбекистон энергетикасининг Совет ҳокимияти давридаги тараққиёти ҳақида ҳикоя қилади. Бўзсув ГЭСининг 60 йиллиги нишонланаётган шу кунларда бу музейни кўплаб кишилар келиб кўрмоқда.

**Ш. БОБОХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги гидроэлектростанциялар ва электр тармоқларидан фойдаланиш Бош бошқармасининг катта инженери.**

## Қардошларга аталган

Ҳозир Тошкент лак-бўёқ заводида тайёрланаётган маҳсулотнинг 50 процентдан ортиғи республикамиздан ташқаридаги мижозларга жўнатиляпти. Мана, бир неча йилдирки, корхона ўз маҳсулотларини чет эллик буюртмачиларга ҳам етказиб беряпти. Чет эллик мижозлар орасида Монголия Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Вьетнам Социалистик Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, Ливия каби мамлакатлар бор. Йил бошидан бери корхона бу мижозларига 6,5 тоннага яқин лак-бўёқ маҳсулотлари етказиб берди. Йил охиригача чет элга жами 35 тонна маҳсулот жўнатилади.

Бу йил 76 миллион сўмлик лак-бўёқ маҳсулотлари тайёрлаш учун курашаётган завод ишчилари 1 Май байрами арафасида тўрт ойлик планни муваффақиятли адо этдилар. Савдо тармоқларига 25 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот жўнатилди.

Коллективда янги беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун давом этаётган социалистик мусобақада темир окисли пигментлар ва эмаль тайёрлаш цехлари пешқадамлик қилишяпти.

## Ер қаъри сирларини очиб

**Тошкентдаги «Геологоразведка» заводида модернизация қилинган ва разведка ишларида қўлланиладиган пневмозарба пармалаш қурилмалари кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Ана шундай қурилмаларнинг РП—94 маркали дастлабки туркуми Закарпатье ва Красноярск ўлкасининг геологларига жўнатилди.**

**Янги қурилмадан абадий музликда ҳам, саҳрода ҳам, тоғларда ҳам фойдаланса бўлади. Агар олмос бурғи қўлланилганида тоғ жинслари гўё «қирқилса», янги усулда қаттиқ қотишмали коронка ёрдамида зарбали айланмали ҳаракат билан ер қаъри ўйиб бориlaверади. Қудуқ тубини тозалаш учун сув ўрнига ҳаводан фойдаланилади. Бу эса разведка ишлари таннархини арзонлаштирмоқда.**

**Бу пармалаш қурилмаси СССР Геология министрлигининг ана шундай ускуналарни модернизация қилиш тўғрисида қабул қилган комплекс программасига мувофиқ тарзда ишлаб чиқарилмоқда. Синов натижалари янги ускунанинг иш унумдорлиги илгаригиларига нисбатан 30 процент ортиқлигини кўрсатди. Бунинг устига унинг вазни аввалги намунага қараганда тўртдан бирга енгиллашди. Геологларнинг фикрига қараганда, янги қурилма тоғ жинсларининг яхши намунасини олиш имконини бермоқда. Айни вақтда, чуқурликдаги қатламларнинг тузилиши ҳақида аниқроқ маълумотлар олиш мумкин.**

**Бу йил мамлакат геологларига РП—94 ускуналаридан 500 та жўнатилади. «Геологоразведка» заводи ана шундай ускунанинг бир неча хил модификациясини ўзлаштиришни режалаштириб қўйди. У диаметри ҳар хил бўлган қудуқлар кавлашда қўл келади.**

### Ишчининг қалб сўзлари

## Ҳамкорлик

Коллективга аъзо бўлганимга тўққиз йил бўлди. Ўшанда кўйлак, шим, костюм тикишга қўлим келиб қолган чевар эдим. Қийналмасдан ишлаб кетишимга ишонардим. Янглишган эканман. Бу ерда буюмларнинг фақат намуна нусхалари тайёрланар экан. Улар кун сайин ўзгариб турганлиги учун кўнглимга хуш келмай қолди. Айрим чоклар, гуллар, чизмаларни конструкторлар кўрсатган нафисликда тиколмай, хижолат чека бошладим.

— Эплай олмайман шекилли, — дедим бир куни Маъфура Қўчқоровага дил очиб. — Яхши тиколмаяпман. Бунинг устига майда иш, кўнглим тўлмаяпти.

— Ана холос, — дея жавоб берди у, — биласизми, шу сиз тиколмаётган буюмларнинг моделларини ким яратади? Раиса Ивановна Шитова ва Валентин Васильевич Тарасов. Улар буюмларда ўзбек миллий каштачилиги анъаналарини сақлаб қолишга уринишяпти. Замонга мослаш, бойитиш йўлларини қидиришяпти. Топишяпти. Сиз бўлсангиз тиколмаяпман деб нолияпсиз. Озгина қунт қилишингиз, ўйлашингиз керак, синглим.

Бу самимий танқиддан шундай таъсирландимки, юзларим қизариб, кўзларимдан ўт чақнаб кетди. Эртасига олдимга Раиса Ивановнанинг ўзи келди.

— Бир нарсани эсингда сақла, — деди қўлидаги чойшабни кўрсатиб. — Ўзбек каштачилигида нафислик, гўзаллик, миллий руҳ, қолаверса шўхчанлик бор. Шуни ҳис қилиш, ипакни, материални шу асосда танлаш лозим. Оқ матога қора, яшил, сариқ, кўк ип билан тикилган каштада мазмун бой бўлади. Сариқ товарга бошқача ипакда гул тикиш лозим.

Шундай деди-ю ўзи ўтириб машинада тика бошлади. Ёстиқ жилдига битилган бу гул жонлидек чиқди. Унинг диди, маҳорати, муомаласи, билимдонлигига ҳавасим келди. Қунт билан ишлашга аҳд қилдим.

Орадан олти йил ўтгач, мени Раиса Ивановна билан бирга Самарқанддаги «Ҳужум» фабрикасига командировкага юборишди. Вазифамиз халққа манзур бўладиган буюмларнинг намуна нусхаларини тайёрлаш эди. Шу ерда конструкторнинг истеъдодига яна бир марта қойил қолдим. У бир ҳафта давомида саккиз хил буюм конструкциясини яратди. Кийким ва материалларнинг қолдиқларидан тикилган бу буюмларни тайёрлашга мен ҳам ҳисса қўшдим. Аёлларнинг фартуклари, қизларнинг кўйлаклари ва бошқа маҳсулотлар фабрика мутахассисларига манзур бўлди. Уларни тайёрлашни йўлга қўйиш билан корхона катта тежамкорликка эришди. Бизга раҳмат айтишди. Жуда хурсанд бўлиб кетдим.

Хаёлимга шундай фикр келди. Буюмларда ҳам гўзалликдан ташқари рамзий маъно бўларкан. Уларни турли миллат вакиллари тайёрлашади. Республикамиз, мамлакатимиз, ҳатто чет мамлакатларнинг аҳолиси харид қилади. Бири ундан фойдаланса, иккинчиси дўстлик, биродарлик рамзи сифатида сақлаб қўяди. Бирлашмамизда яратилган буюмларнинг саноғига етиб бўлмайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 310 хил кийим, рўзғор, совға буюмларининг намуналари яратилди. Улар ишлаб чиқаришга қабул қилиниб, республикамиздаги турли корхоналарда кўплаб миқдорда тайёрланмоқда.

Бутун дунё меҳнаткашлари халқаро бирдамлик кунининг 100 йиллиги айёмида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IX Халқаро Тошкент кинофестивалининг рамзий белгиси туширилган панно тайёрладик. Унда интернационал коллективимизнинг жаҳон халқлари ўртасидаги дўстлик, биродарликни мустаҳкамлаш, тинчликни қарор топтиришга бўлган интилиши ўз ифодасини топган. Меҳнатимиз билан ана шундай буюк мақсаднинг оширилишига ҳисса қўшаётганлигимиз билан фахрланамиз.

**З. ЗУҲУРОВА,**
**«Узместпром» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористкаси, Тошкент шаҳар Советининг депутати.**

### Биз—интернационалистлармиз

## ЕЛКАДОШЛАР

КПСС XXVII съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган Тошкент экспериментал енгил металл конструкциялари заводи ишчилари меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Майни меҳнатда ажойиб ютуқлар билан кутиб олдилар. Завод коллективи ҳар қачонгидан унумлироқ ишлаб, беш йилликнинг дастлабки йили тўрт ойи планини ортиғи билан адо этди. Корхона мамлакатимизнинг кўпгина шаҳар ва республикалари билан иқтисодий ҳамкорликда ишлайди. Бу ҳамкорликсиз корхона фаолиятини тасаввур этиш қийин. Масалан, Ленинград труба заводи труба етказиб берса, Новолипецк ва Череповец металлургия комбинатлари оқ тунука билан таъмин этадилар. Шу билан бирга завод Германия Демократик Республикасидан пенополиуретан, социалистик Руминиядан эса энг яхши ва сифатли металлар олади.

Заводда ҳозирги кунларда пахта ҳосили сақланадиган омбор конструкцияси яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Бу конструкция «Кисловодск» деб аталади. Конструкциянинг кенглиги 1000 квадрат метр бўлиб, унга 600 тонна пахта ҳосили бемалол сиғиши мумкин. Янги конструкция корхонада синаб кўрилади. Синов ишларини москвалик мутахассислар олиб борадилар.

Айни пайтда завод ўз маҳсулотларини жўнатаётган адреслар ҳам кўп. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган металл конструкциялар узоқ Сахалиндан тортиб то Молдавиягача бўлган территориядаги Иттифоқимизнинг ўнлаб шаҳарларига жўнатилаяпти. Коллектив ўз мижозларидан тез-тез миннатдорчилик мактублари олиб туради. Маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат самарадорлигини ошириш, иш вақтининг ҳар бир минутидан унумли фойдаланиш, иқтисод қилинган хом ашё ва металлар ҳисобига ишлаб, КПСС XXVII съездида олдинга қўйилган улкан вазифаларнинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш бу коллективнинг ҳозирги кунлардаги шиоридир.

Корхонада ишчиларнинг асосий қисми бригадаларга бирлаштирилган. Бригадалар ўртасида социалистик мусобақа кенг авж олдирилган. Мусобақага ҳар ойда, кварталда якун ясалиб, илғорлар рағбатлантирилиб борилади. 1985 йилда энг илғор бригада деб Вильгельм Ким бригадаси тан олинди. Бу бригада Бутуниттифоқ «Союзспецлегконструкция» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1985 йилги социалистик мусобақасида қатнашиб, фахрли учинчи ўринни эгаллади. Илғорлар коллективи конструкциялар учун дарбозалар ишлаб чиқаради. Ишчилар 1 квартал планини 108 процент қилиб бажаришганди. 25 апрелда тўрт ойлик топшириқни ҳам барвақт уддалаганликлари ҳақида рапорт бериб, 1 Майга муносиб меҳнат туҳфаси тайёрладилар.

Коллектив 9 кишидан иборат. Улар беш миллат —ўзбек, рус, татар, корейс, арман миллати вакилларидир. Бригада комплекс ишлаб чиқариш бригадаси ҳисобланади. Коллектив бамисли бир оила десак янглишмаймиз. Инсонлар яшар экан, улар авваламбор бир-бирларига ҳамдам, ҳамдард ва ғамхўр бўлишлари керак. Бригада ишчилари бу ҳақиқатни яхши билишади, шу боисдан худди бир ота-бир онанинг фарзандларидек иноқ ва тотув меҳнат қилишади. Коллектив меҳнатни ташкил этишнинг илғор усули — бригада пудратида ишлаётганлиги ҳам ўзаро уюшқоқлик вазиятини юзага келтиришда, бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун шиорини қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга бўляпти. Бу участкада, пайвандлаш, йиғиш, бўяш, тараш каби ишларни деярли ҳамма билади. Шу боисдан ишчилар бемалол бир-бирларининг ўринларида ишлай оладилар. Бунинг маҳсулот сифатини оширишдаги аҳамияти катта бўлаяпти.

— Коллективимизда, дейди бригада бошлиғи Вильгельм Ким, — чинакам дўстона муносабатлар қарор топган. Ишчиларимиз бир-бирига ғамхўр ва меҳрибон. Айнан шу нарса ютуқларимиз омили бўляпти. Бригадамиздаги деярли ҳамма ишчилар коммунистик меҳнат зарбдорлари саналишади.

Андрей Котлеров бундан 3 йил бурун шу бригадага анча ҳайиқиброқ қадам қўйган эди. Бу қанақа бригада экан? Ишчилар билан тил топишиб кета олармиканман? Ишни эплай оламанми? Уни мана шу саволлар қийнаганди. Дастлабки иш кунлари ҳақиқатдан ҳам Андрей учун қийин бўлди. Аммо бригада коллективи унга лоқайд қарамади. Билмаганларини ўргатишди, йўл-йўриқ кўрсатишди. Ёш йигит шу меҳнат коллективида чиниқди, камолга етди. Ҳозирги кунларда комсомол аъзоси Андрей Котлеров коммунистик меҳнат зарбдори саналади. У эндиликда ҳар қандай ишчи билан беллашишга қодир. Номи доимо илғорлар сафида.

Бригада аъзолари ўтган йили бир нечта рационализаторлик таклифлари билан чиқишди. Уларнинг асосий қисми ишлаб чиқаришга жорий этилди. Коллектив аъзолари ишлаб чиқаришда эришилаётган ажойиб ютуқларига ўз ишларига сидқидилдан берилганликлари, уюшқоқ ва аҳилликлари туфайли эришаётганликларини яхши биладилар. Шунинг учун ҳам коллективдаги дўстона вазиятни янада мустаҳкамлаб, ишлаб чиқаришни юксалтиришнинг янгидан янги резервларини излаб топиб, ишга солишни ўзларининг биринчи даражали вазифалари деб биладилар.

**С. ИКРОМОВ,**
**Тошкент Давлат университети журналистика факультети студенти.**

# Тошкент 1917 йил майида...

Чоризм даврида мардикорликка чақирилган ишчилар Туркистонга қайтиб кела бошлашди. Фақат 3 майнинг ўзидагина Тошкентга 500 киши қайтди. Улар Россияда революцион мактабни ўтаб келишди. Улар орасидан энг илғорлари Советлар ташкил қила бошлашди.

## ...1918 йилда

20 апрелдан 1 Майгача V Умумтуркистон Советларининг съезди бўлиб ўтди. Совет автономияси ташкил этиш тўғрисидаги масала съезднинг асосий масаласи бўлди. Ўлка халқларининг хоҳиш-истагини ҳисобга олиб Туркистон совет автономиясини эълон қилди.

## ...1919 йилда

1919 йилда партия Марказий Комитетининг таклифига кўра РКП(б)нинг Мусбюроси тузилди. Шундан кейин унинг маҳаллий ташкилотлари ҳам тузилди. Масалан, 17 июнга келиб, Мусбюро қарори билан Тошкент шаҳар партия комитети қошида Тошкент шаҳар Мусбюроси ташкил қилинди. Бюронинг асосий мақсади маҳаллий аҳоли ўртасида социалистик ғояларни пропаганда қилиш бўйича миллий секция ишини ўз қўлига олиш ва бу секцияларга планли, мувофиқ тарзда раҳбарлик қилиш эди. Тошкентнинг партия ва совет ташкилотлари ўз фаолиятида РКП(б) Марказий Комитети кўрсатмаларига амал қилди, Туркистонда ленинча миллий сиёсатни тўғри амалга оширишга катта эътибор берди.

## ...1920 йилда

1 Май арафасида — 8—15 апрелда коммунистик ҳафталик бўлиб ўтди. У доҳиймиз Владимир Ильич Лениннинг «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» деган машҳур хатига бағишланди. Меҳнаткашлар митинги бўлиб ўтди. Концертлар уюштирилди. Спектакллар қўйилди. Коммунистлар меҳнаткашларни партия сафини тўлдиришга даъват этишди. Коммунистик ҳафталик давомида эски шаҳардаги фақат 3 та касаба союздан 330 киши партия сафига кирди. Маҳаллий миллат меҳнаткашлари ва рус пролетарлари билан бир қаторда чет элликлар ҳам партия сафига кирдилар. Масалан. 5 июлга келиб чехословак коммунистларининг 25 кишидан иборат секцияси ташкил этилди. Венгер, поляк, немис секциялари ҳам тузилди. Улар шаҳардаги чет эллик ишчилар ва коммунистлар ўртасида катта иш олиб бордилар.

●

1920 йил май—июль ойларида Тошкент шаҳар партия комитети гражданлар уруши даврида Ғарбий ва Жанубий фронтларга меҳнаткашларни сафарбар этиш масаласини бир неча марта муҳокама этди. Шу йили 15 майдан — 1 июнгача Тошкентдан 206 киши жўнатилди.

---

**Газетанинг шу сонига интервью**

# «Советлар мамлакати тўғрисида кўпроқ билишни истаймиз»

**Исландия республикасидан келган меҳмонлар Тошкентда бир неча кун бўлишди. Меҳмонлар ватанига жўнаб кетиш олдидан мухбиримиз «Исландия —СССР» дўстлик жамияти вице-президенти Гунилейгур Эйнерсон ва жамият правлениеси аъзоси Иоханн Бьериссон билан суҳбатлашди.**

**— Сизнинг Ўзбекистонга қилган сафарингиз олдига қўйилган мақсад ҳақида ҳикоя қилиб берсангиз.**

— Биз Советлар мамлакати тўғрисида кўпроқ билишни истаймиз. «Исландия —СССР» жамияти бу борада катта ишларни олиб бормоқда. 50-йилларда совуқ уруш хавфи қизғин тус олган, Советларга қарши пропаганда кучайган бир пайтда биз барча воситалар йўли билан СССР ҳақида ҳикоя қилиб беришга ҳаракат қилган эдик. Эндиликда у кунлар ўтиб кетди. Ўзбекистон вакиллари Исландияда СССР кунларида иштирок этаётган сизнинг иттифоқингиздаги ўн биринчи республикадир. Ўтказиладиган бу кунларда Совет Ўзбекистони тимсолида сизнинг ютуқларингиз намойиш этилади. Бундай тадбирларнинг аҳамияти яхши муносабатларни ўрнатишда бебаҳодир. Бунда одамлар бир-бирининг ҳаётини ўз кўзлари билан яқиндан кўриб тасаввур этадилар.

Биз Ўзбекистон чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа боғлаш жамияти таклифига биноан маданият кунларини ўтказиш юзасидан музокаралар олиб бориш ва ҳужжатларни имзолаш учун Тошкентга келдик. Сизнинг «Лазги» рақс ансамблингиз коллективи ва турли кўргазмалар Исландияда намойиш этилишидан ғоятда хурсандмиз.

**— Совет Иттифоқи ҳамиша тинчлик тарафдори бўлди ва шундай бўлиб қолмоқда. Бизнинг ер куррасида тинчлик учун олиб бораётган ҳаракатимизни қандай баҳолайсиз?**

— Сизнинг чиндан ҳам бу борада олиб бораётган барча ҳаракатларингиз хайрлидир. Биз бу билан фахрланамиз. Биз КПСС XXVII съездининг ишини қизиқиш билан кузатдик. Совет халқи тинч бунёдкорлик турмушини барпо этмоқда, ўзининг социал-иқтисодий масалаларини оқилона ҳал этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев советлар мамлакати номидан гапириб, мамлакатингиз жаҳонда барқарор тинчликни ўрнатиш учун ҳар қандай музокараларга доим тайёр эканлигини изҳор этади, қурол-яроғларни синаш тўхтатилганлиги муддатли узайтирилганлигини маълум қилди. Невада штатида ядро портлатишлари ўтказилаётган бир пайтда тинчлик борасида бундай дадил ва қутлуғ қадам қўйиш ғоятда ибратлидир. АҚШ қуролларининг янги ва яна янги турларини яратишга ҳаракат қилмоқда. Совет Иттифоқи эса фақат тинчлик учун курашмоқда. Ер куррасининг кўплаб аҳолиси бундай ташаббусни маъқулламоқда.

Мен мамлакатингизда бир неча марта бўлиш шарафига муяссар бўлдим. Ҳар сафар келганимда яхши ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Биз ўз ватанимиздан бу ерга келаётганимизда у ерда кунлар салқин эди. Бу ерда серқуёш ўлка, унинг гўзал шаҳри ва тинчликда яшаётган кишилари бизни ғоятда мафтун этди.

Кириб келаётган 1 Май байрамингиз муборак бўлсин.

**— Иоханн Бьериссон, ўз мамлакатингиз ва касбингиз ҳақида гапириб берсангиз.**

— Исландия Атлантика океанининг шимолий қисмида — Шимолий қутб ҳалқасида жойлашган. Европа материгидан минглаб километр олисда жойлашган оролнинг об-ҳавоси ана шу шароитга қараб белгиланади. Мамлакатимиз балиқ маҳсулотини қайта ишлашда жаҳонда етакчи ўринда туради.

Пойтахтимиз Рейкьявикда кўпгина диққатга сазовор жойлар, университет, миллий театр, музей ва бошқа қатор масканлар бор. Биз сизнинг мамлакатингиз билан савдо алоқаларини олиб боряпмиз.

Оддий ишчиман, пойтахт яқинида истиқомат қиламан. Яқинда Рейкьявик шаҳри асос солинганлигининг катта байрами нишонланади. Худди шу кунларда Ўзбекистон тимсолида СССР кунлари ўтказилиши ғоятда қувонарлидир. Менинг Тошкентга учинчи марта келишим. Бу сафар эса чинакамига кенгроқ танишдим, республикангиз шаҳарларини ҳам кўрдим. Ўзбекистон пойтахтининг янги қурилиш массивлари, тарихий жойлари, республика бош виставкаси катта таассурот қолдирди. Улар Ўзбекистоннинг бугунги жўшқин ҳаётидан ҳикоя қилмоқда.

Совет кишилари ҳақида нималар дейишим мумкин? Улар ўз олдиларига қўйилган вазифаларни адо этишда яхши меҳнат қилишмоқда. Энг муҳими совет кишилари тинчлик учун, одамлар бахт-саодати учун меҳнат қилаётганлигини яққол ҳис этдим. Бугунги кунда тинчлик учун кураш бутун ер куррасини қамраб олган. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг тинчлик борасидаги барча таклифлари Советлар мамлакатининг ядро синовларини тўхтатиш, инсоният учун барқарор тинчлик яратиш йўлидаги самимий интилишларининг ёрқин далилидир. Бу интилишлар яхши ниятли барча кишилар каби биз оддий ишчилар учун бебаҳо ва қадрлидир.

---

# БАЙРАМ ОҚШОМИ

## Давом этар шодиёна

Бунча гўзал ҳаёт, хуррам замона,
Ҳар дилда завқу шавқ, янгроқ тарона.
Гулгун чеҳраларда яна табассум,
Давом этар байрам, шўх шодиёна.
Шўх шодиёна, шўх шодиёна.

Гулларга бурканган оламда баҳор,
Элларга таралар наво бетакрор.
Дилларга руҳ берар боғлар чиройи,
Инсон шодлигидан дунё бахтиёр.
Шўх шодиёна, шўх шодиёна.

Бугун мунча ширин сухану калом,
Куй, қўшиқ, қаҳ-қаҳа авжида мудом.
Ўлкам бўйлаб кезар аъло кайфият,
Баҳор, май байрами этади давом —
Шўх шодиёна, шўх шодиёна.

Мурод РАҲМОНОВ.



●

Байрам кунларида шаҳарликларга гул билан савдо қилиш айниқса яхши ташкил этилади. Бу борада «Тошкент гуллари» фирмаси коллективи бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Шаҳарликларга ҳар томонлама манзур бўладиган алвон гулларни сотиш кенг йўлга қўйилади.

СУРАТДА: Олой бозорида жойлашган «Тошкент гуллари» фирмасига қарашли 2-павильон сотувчиси Клара Холиқова. У доимо харидорларни очиқ чеҳра билан кутиб олиб, уларга ранг-баранг гулларни тавсия этади.

М. Нуриддинов фотоси.





Мана бир неча кундирки, Чехословакиядан келган «Оймома» боғи тошкентликларга хизмат кўрсатмоқда.

СУРАТДА: шаҳарлик кичкинтойлар темир йўлда сайр қилишмоқда.

**Келинг, бир кулишайлик**

## Нега ича олмайсиз?

Бир киши ресторанга кириб яхшироқ таом келтиришларини сўради. Официант тарелкада шўрва келтириб қўйди.

— Мен бу шўрвани ичолмайман! — деди у киши.

Официант индамай шўрвани қайтиб олиб кетди. Бир неча минутдан кейин бошқа тарелкага солиб яна шўрва келтирди. У киши яна:

— Сизга айтдим-ку, бу шўрвани ичолмайман деб! —деди.

Официант миқ этмай шўрвани олиб кетди ва учинчи марта шўрва олиб келишида ресторан директорини ҳам бошлаб келди.

Жаноб яна боягидай қичқирди. Шунда ресторан директори:

— Жаноб, сизга учинчи марта келтиришяпти, яна қайтаряпсиз, нега уни ичолмайсиз, сабаб?

— Шўрвани ахир ким қошиқсиз ича олади? — деди асабий ҳолда хўранда.

Француз тилидан Н. ОДИЛХЎЖАЕВА таржимаси.

**Ҳодиса**

## Олишув

Ўтган йилнинг май ойлари эди. Тоғ-тошларнинг қизиш даври бошланган эди. Шарқий Қурама геология-қидирув экспедицияси дала партияларнинг вагон уйлари ошхонасида тушлик овқатланишга ҳозирлик кўрилаётган вақт яқинлашиб бормоқда эди.

Қўтирбулоқдан челаклаб сув келтирардик. Қуёш тик кўтарилиб, ўзининг тушлик нуқтасига етай деб қолди. Тобора исиётган қуёш ҳатто, булоқ шаршарасининг шовқинини ҳам бузиб қўйгандек, геология-қидирув ишларини олиб бораётган хазинатопарлар ҳорғин ҳолда ўз чодирларига кириб, қўл сочиқларини олиб, чашма томон ювиниш учун бирин-кетин бормоқда эдилар. Дара узра жимжитлик ҳукмрон эди.

Булоқ бошига етиб келганимизда кўкатлар ичида худди кичик қўзичоқларнинг овозига ўхшаб маъраш эшитилди. Ҳайратомуз ҳаммамиз кўкат томон қарадик. «Қўзичоқ»дан дарак йўқ. Ҳаммамиз ўзимизча бу товушни турли жониворларнинг товушига таққослаб кўрдик. Бироқ, бирон-бир жониворнинг товуши қўзичоқнинг маърашини эслатиши кимнинг хаёлига ҳам келибди дейсиз!

Шу пайт яна ҳалиги маъраш эшитилди. Лекин у нима эканлиги бизга кўкатлар орасидан кўринмас эди.

Айримлар овқатланишга шошарди. Шунда геолог Холматнинг «ана, типратикон» деган овози сукунатни бузиб юборди. Типратикон гоҳ пастга, гоҳ юқорига тез-тез ҳаракат қилиб кўриниб турарди. Айримлар у ерда илон бўлиши керак деган фикрга келдилар.

Типратиконлар одатга кўра кундуз кунлари мириқиб соя-салқинда ухлашади. Ўлжа қидириб инидан чиққан илон эса типратиконнинг уйқусини бузган, унинг осойишта дам олишига ҳалақит берган бўлса эҳтимол

Одатга кўра типратиконлар кечаси ўлжа қидириб овга чиқади. Илонлар эса бунинг акси.

Биз тушлик овқатни ҳам унутиб типратикон ва илоннинг ҳаракатларини кузата бошладик. Илон типратиконга ҳамла қила бошлади. Илон бўйнини кўтариши биланоқ типратикон ўзининг тиканли пўстинига ўралиб олди. Илон нима қилишини билмай, унинг атрофида айлана бошлади. Фурсатдан фойдаланиб типратикон бир-икки бор илоннинг бошига ўзининг тиканини санчди шекилли, илоннинг энди фақат думи қимирлар эди.

Яқинроқ бордик. Типратикон илоннинг бош томонида туриб унинг ҳаракатини кузатарди. Синчиклаб қарадик: илоннинг ҳар иккала кўзларидан қон оқарди. Кузатишни яна давом эттирдик. Типратикон яна бояги операциясини бир-икки бор такрорлади.

Илон бутунлай кўр бўлиб қолган эди. Ярим соатлар чамаси давом этган олишув типратикон фойдасига ҳал бўлди.

Типратикон энди ҳалиги тоғ илонининг думидан ғажиб истеъмол қила бошлади. Шунда биз типратиконнинг «маъраши»ни: «ўзларингни сақланглар, бу ерда заҳарли илон бор» деганга йўйдик.

Шуни айтсалар керакда, бировнинг осойишталигини бузиб, унга чуқур қазима, шу чуқурга ўзинг тушасан деб. Шундай қилиб, ярим соат давом этган олишувда типратикон ғолиб чиқди.

К. МУСАМУРОДОВ.

**Бу—қизиқ**

## Биринчи троллейбус

Биринчи совет троллейбуси 1933 йилда Москванинг «Динамо» заводи ишчилари томонидан яратилди. Машинанинг шасси ва кузов қисмини пойтахт автозаводи (ҳозирги ЗИЛ) машинасозлари ишлаб чиқардилар.

1933 йил 5 ноябрь. Аҳоли Белорусс вокзалига биринчи совет троллейбусининг ҳаракатини кузатишга йиғилди. Н. Купцов биринчи марта ўша куннинг мўъжизаси ҳисобланган машинани Ленинград шоссеси орқали Всехсвятск қишлоғи томон бошқарди. Йиғилганлар биринчи ҳайдовчига анвойи гуллар тақдим этдилар.

Ўрта Осиёда ягона транспорт-троллейбус маршрути 1947 йил 5 ноябрда очилди. Ўша йиллари Тарас Шевченко кўчасига жойлашган кичкина троллейбус депосида бор-йўғи 6 та троллейбус бўлиб, 20 километрли йўлда ҳаракат қилар эди. Гоҳо 2 таси ремонтда қолгудек бўлса, троллейбусни кўришга четдан орзиқиб келган йўловчилар соатлаб кутардилар. Тошкентда троллейбусларни биринчи марта Александра Чернолсова, Яков Рушайлар бошқардилар.

***

1934 йил 19 августда Москва газеталарининг биринчи саҳифасида ёшгина кулиб турган аёлнинг портрети пайдо бўлди. Сурат остида шундай сўзлар ёзилган эди: «Москвада трамвайни биринчи марта бошқарган аёл ўртоқ Деревенникова».

Тошкент. 1907 йилда Бельгия акционер жамияти Вокзалга трамвайни биринчи марта юргазганида «отсиз коньки»ни томоша қилгани шаҳар аҳолиси кўчага чиққан эди. Сирли қувват билан ҳаракатга келадиган трамвайни биринчи марта тор темир излар устида Константин Тимофеевич Брикеев Пушкин кўчаси бўйлаб бошқарган. У 1917 йилда партия сафига ўтиб, умрининг охири — 1974 йилгача Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводида меҳнат қилди.

Ўзбек хотин-қизлари орасида трамвай штурвалига ўтирган Қундуз Мусабекова 1933 йилда Тоштрамга кондуктор бўлиб ишга кирган. Улуғ Ватан урушининг биринчи ойлариданоқ эркаклар ўрнини аёллар эгаллашди. Қундуз ая ўша кезда рулга ўтириб трамвайни биринчи марта Кўкча даҳаси томон бошқарди.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

## Радиоклуб иш бошлади

**Республика радиоклуби фаолияти тобора кенгайиб бормоқда. Шу билан бирга унинг жойларда янги тармоқларини очиш кўзда тутилди.**

Болалар ва ўсмирларни радио спортига кенг жалб этиш мақсадида турар жойларда ҳам радиоклублар ташкил қилина бошланди. Киров районидаги 76-ЖЭУ ҳузурида янги очилган радиоклуб «Альтаир» деб номланди. Бунда район комсомол комитетининг ёрдами катта бўлди.

Радиоклуб учун уч хона ажратиб берилди. Амалий машғулотларни намунали олиб бориш мақсадида кўплаб зарур техника воситалари ва жиҳозлар сотиб олинди. Турли аппаратлар учун эса республика радиоклуби 12 минг сўмлик маблағ сарфлади.

Шунингдек, радио спорти секциялари иш бошлайди. Яқин орада бу хил секциялар шаҳримиздаги ўнга яқин мактаб ва болалар уйларида очилади.

А. АЛИЕВ.

## Дунёда қанча тил бор?

Ҳозиргача икки ёки уч мингта тил бор деб ҳисоблашарди. Яқинда ГДРда босилиб чиққан илмий асарда 5661 тил ва шева борлиги асослаб берилган. (Бундай ўсиш — Африка ва Жанубий Америка халқлари тилларининг беҳад кўплиги ҳисобигадир). Булардан 1400 таси унутилган ёки ўлаётган тил ҳисобланади. Ҳозирги пайтда бор-йўғи 500 тил яхши ўрганилган.

---

**Санъатнинг сеҳрли олами**

# Қўшиқ сеҳри

**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган давлат «Ялла» вокаль чолғу ансамбли бугунги кунда иттифоқимиздагина эмас, балки кўплаб жаҳон мамлакатларида ҳам қўшиқ мухлислари эътиборини қозонган. Биз 1 Май байрами муносабати билан ансамблнинг бадиий раҳбари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фаррух Зокиров билан суҳбатлашдик. Қуйида ана шу суҳбатни оқшомхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.**

**— Санъат йўлидаги фаолиятингизни қачон бошлагансиз?**

— Ёшлигимданоқ қўшиқ айтишга жудаям қизиққанман. 102-мактабда ўқиб юрган чоғларимданоқ мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгарагига қатнашиб юрардим. Эсимда, эскигина 2 та рубобимиз ва битта доирамиз бўларди, лекин репертуаримиз жуда хилма-хил ва бой эди. Кейинчалик В. И. Ленин номидаги республика пионерлар саройига қатнай бошладим. Менинг илк устозларим Б. А. Арутюнова ва Н. И. Слёзкинлар эди.

**— Ансамблга кириб келишингиз ҳақида ҳикоя қилиб берсангиз.**

— 1971 йилда Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институтида кичкина бир бадиий ҳаваскорлик тўгараги очилди. Кейинчалик шу тўгарак аъзоларидан «Ялла» ансамблимиз тузилиб, тез орада эл оғзига тушди. Ансамблимизнинг ўша пайтдаги раҳбари Евгений Ширяев бўлиб, навбатдаги концертларга қаттиққўллик билан соатлаб тайёргарлик кўришни талаб этарди. 1971 йилда Марказий телевидениеда «Алло, талантларни излаймиз!» Бутуниттифоқ телевизион фестивалга тасодифан таклиф қилинган ансамблимиз бу кўрик-конкурснинг лауреати бўлди. Бу илк ғалаба профессионал саҳнага ижодий йўлланма берди. 70-йиллар мобайнида ансамбль ҳаётида кўпгина унутилмас воқеалар рўй берди. 1972 йилда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлиб, 1976 йилда эса «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган давлат ансамбли» юксак унвонига сазовор бўлдик.

**— Ҳаётингизда энг қувончли кун деб қайси кунни айта оласиз?**

— Бу анчагина мураккаб савол. Буни ҳар ким ҳам ўзича талқин этиши мумкин. Биз «Ялла» ансамблининг хушовоз қўшиқчиси Наргиз Бойхонова билан 1979 йили тақдиримизни боғлаганмиз. Ўғлимиз Саидбек туғилган кун биз учун энг унутилмас кундир.

**— Фикрингизга қўшиламан, зеро фарзанд ота-онанинг кўз қароғидир. Эндиги саволим шуки, сиз кимларни ансамблнинг камолотга етишувида муҳим ўрин тутди, деб айта оласиз?**

— Ҳар бир ансамблнинг ҳаётида гоҳ қувончли, гоҳо машаққатли дамлар юз беради. Бундай танг пайтда Ш. Низомиддинов, А. Фатхуллин, Л. Кандалова, Н. Бойхонова, Р. Илёсов каби талантли қўшиқчиларнинг хизмати катта бўлди. Бу йилларда «Мажнунтол», «Торимнинг сири», «Бойчечак» каби кўплаб эски халқ қўшиқларини янгича талқинда халққа тақдим этдик.

**— Адабиёт ва санъатга муносабатингиз ҳақида икки оғиз!..**

— Мен адабиётни жуда севаман. Менга А. Навоий, В. Маяковский, Е. Евтушенко, А. Орипов ва Т. Тўла шеърияти ёқади. Ҳозирги ёш шоирларимиз шеърлари сатрларининг жўшқин, тили равонлиги билан диққатимни тортади. Ҳофизлардан Ш. Жўраев, К. Раҳимов қўшиқларини мароқ билан тинглайман. Ўзбек мақомчилик санъати усталари О. Одилхўжаев ва Т. Алиматовлар санъати биз учун сабоқ мактабидир.

**— Фаррух Каримович, энди анъанага айланиб қолган савол...**

— Ҳа, келгуси режалар ҳақида сўрамоқчисиз, шекилли. Маълумки, бу йил ансамблимиз ташкил топганлигига 15 йил тўлади. Ансамблда доимий бўлиб қоладиган «музикали чойхона» номли бўлим очдик. Чойхўрларимиз учун «Дорбозлар қўшиғи», «Аския кечаси», «Масхарабозлар» каби юмористик руҳ билан суғорилган қўшиқлар репертуаримиздан ўрин олган.

А. Навоий, У. Хайём, А. Рудакий, Ҳ. Деҳлавий, Р. Тагор каби улуғ шарқ классикларининг шеърларига музика басталаб, «Яшил гумбаз» номли қўшиқлар циклини яратдик.

**— Халқаро тинчлик йилидаги тилакларингиз...**

— Аввало осмонимиз тинч бўлсин, беғубор бўлсин. Элимизда янгидан-янги қўшиқлар яратилаверсин. Қўшиқлар — халқнинг қалбидаги эзгу тилакларнинг ўзгинасидир. Мен асл қўшиқларнинг ер юзида Тинчликни асраб қолишига ишонаман.

А. ОДИНАЕВ,
«Илҳом» ижодкор ёшлар клубининг аъзоси.



Э. Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида байрам томошалари кун сайин авжига чиқмоқда. Бадиий ҳаваскорлар шаҳарликларга ўз санъатларини намойиш қилишиб, уларнинг олқишига сазовор бўлишаётир. Айниқса агрегат заводи, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент политехника институти ва бошқа бир қатор корхона ҳамда ташкилотларнинг бадиий ҳаваскорлари байрам концертларини уюштиришда фаол иштирок этишмоқда.

СУРАТЛАРДА: байрам томошаларидан лавҳалар.

А. Абалян фотолари.

## Томошаларга марҳамат

**Бу улуғ айём кунлари пойтахт саҳналарида қатор янги премьераларни томошабинлар эътиборига ҳавола этиш кўзда тутилмоқда.**

● Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театри ижодий коллективи шу кунларда намойиш этаётган Гоголнинг «Ревизор» комедиясини театр тарихида бешинчи марта саҳналаштирди. Истеъдодли режиссёр Марк Вайль ва ажойиб талант соҳиби, — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР Давлат мукофоти лауреати Георгий Бримлар томонидан саҳна юзини кўрган бу умрбоқий асарда XIX аср рус киборлар жамиятидаги салбий ҳодисаларнинг замонавий талқини акс эттирилган. Севимли адибимиз Абдулла Қаҳҳор ва Кибриё Қаҳҳоровалар томонидан Гоголнинг қарашлари оҳори тўкилмаган ҳолда қилинган таржимаси асарнинг томошавийлигини янада оширган. Асарнинг бадиий қиммати шундаки, унда қўйилган масалалар шу кунда биз курашаётган айрим иллатлар— порахўрлик, лаганбардорлик бадиий бўёқларда кенг акс эттирилган.

Томошабинлар комедиядаги бош ролларидан бири — Хлестаков ролида театрнинг энг ёш артистларидан бири Баҳром Машчоновни кўрадилар. Бу роль унинг театрдаги дебютидир. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Тожиев ҳам бу образни қиёмига етказиб ижро этмоқда. Шунингдек, етук санъаткорлар Т. Азизов, О. Норбоева, Ё. Аҳмедов, Я. Абдуллаева кабилар асарнинг муваффақиятли чиқишида катта хизмат қилганлар. Санъат шинавандалари асарнинг лейтмотиви — «Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама» деган нақлга диққатни қаратганининг гувоҳи бўладилар. Ў. Умарбековнинг «Курорт», Саид Аҳмаднинг «Куёв» асарлари ҳам байрам афишаларидан ўрин олган.

● Республика «Ёш гвардия» драма театри бош режиссёр, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган ва Халқаро тинчлик йилига бағишланган драматург А. Мирошниченконинг «Шайтон фаришталари» асари билан мухлисларни хушнуд этади.

● Кулги шинавандаларини эса «Комедия, комедия, комедия...» деб номланган кечага Муқимий номидаги ўзбек Давлат музикали театри таклиф этади.

● Болалар Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган саргузашт воқеаларга бой «Фотоннинг ҳалокати» спектаклини кўришлари мумкин.

● Шаҳримизнинг кўрки ҳисобланган В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида хушовоз хонанда Ортиқ Отажонов иштирокида «Лазги» вокаль-хореографик ансамбли янги программадаги концертни 3—4 май кунлари намойиш этади.

Хуллас, барча маданият саройлари, концерт бирлашмалари, ҳаваскорлик артистлари томонидан тайёрланган байрам кайфиятига монанд турли жанрлардаги спектакллар, концертларни томоша қилиб, маданий ҳордиқ чиқариш мумкин.

Б. КАРИМОВ.

